



**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

XABARLARI

**IJTIMOY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/3/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

Валиев А. Совершенствования политики занятости население в Узбекистане.....	4
Давлатова Ш. Ўзбекистон худудидаги округларда маҳаллийлаштириш сиёсати.....	7
Жўраев М. Колхозлар ишлаб чиқаришининг давлат томонидан тартибга солиниши.....	11
Джураева С. Амир Темур ва темурийлар даври зиёратгоҳлари тарихи, меъморчилиги.....	14
Қурбанова Н. Фарғона водийси уездларида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши норозилиқларининг кучайиши.....	17
Мачин Г. Последний подвиг Нуриддин Акрамовича Мухитдинова (штрихи к политическому портрету)....	20
Нурқулова Р. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон.....	29
Сайманов С. Архивное дело Каракалпакстана в 1920-1930-х гг.: проблемы становления.....	33
Сайфуллаев Н. Ўзбек театр санъати тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги.....	36
Толибов Р., Баҳриддинов О. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги алоқалари раванқи ва истикболи (Навойи вилояти мисолида).....	40
Толипов Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тадқиқ этишининг тарихшунослиги масалалари.....	44
Файзрахманова З. XVI асрда Бухоро хонлигининг ташқи сиёсати.....	48
Ҳайитов Ш., Ҳасанова Ҳ. 1917-1924-йилларда Туркистонда малакали ходимлар тайёрлашнинг аҳволи ва тарихий тажрибаси.....	51
Фалсафа, Педагогика, Методика, Психология, Социология	
Abdullayev B. Fizika fanini o'qitishda freym texnologiyasidan foydalanish usullari.....	54
Abdunazarova Z. Salomatlikning tibbiy-ijtimoiy kategoriyasi.....	58
Abdunazarova M. Professional training and professional education of disabled women in modern society.....	62
Акмалова Д. Создание позитивно-адаптивных условий по обеспечению эффективной деятельности студентов в кредитно-модульной технологии обучения.....	65
Alimdjanova D. Interactive education and its didactic opportunities.....	69
Alimov M. Ta'lim jarayonida hisoblash tafakkuri tushunchasining paydo bo'lishi va rivojlanishi.....	71
Аскарлов А. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг асосий самарадорлик кўрсаткичларига (кп) кўра баҳолаш тизимини такомиллаштириш.....	74
Ахматов М., Рахимов В., Бакиев З., Абдуразаков Х. Моделирование механизма управления по развитию массового спорта в образовательных учреждениях на основе взаимодействия со спортивными школами....	79
Vohidova M., Karimova F. Boshlang'ich ta'limda tarbiya fani o'quv dasturlari mazmunini takomillashtirish bo'yicha tahlil.....	82
Джаббаров А. Ҳарбий хизматчиларнинг лидерлик хусусиятлари психологик феномен сифатида.....	86
Дилшодбеков Ш. Юқори малакали чизмачилик ўқитувчиларини тайёрлашда замонавий ахборот технологияларининг ўрни.....	89
Ismoilova S. The role of innovative technologies in the process of modern education.....	91
Karimova N. Principles to develop the literacy of international communication culture in students.....	94
Куралов Ю. Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда кластер методини қўллаш.....	96
Қамбаров О. Жисмоний тарбия ва спорт педагогикасида табақалаштириш муаммолари.....	99
Qudriddinova N. O'zbek tili darslarida Cho'lpon she'rlarini o'rganishda ta'limning innovatsion texnologiyalaridan foydalanish.....	102
Маратов Т. Шахсда диний идентификация шаклланишининг ижтимоий-психологик таснифи.....	106
Махкамов У. Аҳоли ўртасида сўз ва фикр эркинлигини таъминлашда ўзаро мулоқотнинг ўрни.....	109
Мирзахмедова А., Пардаева С. Миллий маданиятимизда совчиликнинг ўрни.....	112
Mirkomilov A. O'zbekistonda huquqiy ta'limning nazariy va amaliy masalalarini takomillashtirish.....	115
Муратова Н. Объяснительная и иммерсивная журналистика: общие понятия и элементы мультимедийности.....	118
Назирев Қ. Спорт тадбирларини ташкил этишининг илмий-услубий таъминоти.....	121
Nasriddinov D. Oliy harbiy ta'lim muassasalarida robotlashgan laboratoriya qurilmalarining o'ziga xosligi va ulardan foydalanish.....	124
Nurullayeva Sh. O'quvchilarda ekologik-estetik yondashuv asosida badiiy tafakkurini rivojlantirish texnologiyasi.....	127
Омонов Б. Экологик глобаллашувнинг Ўзбекистон экологик муҳитига таъсири.....	130
Ro'latova F. Creative pedagogical technologies in teaching english to students.....	133
Расулова Т. Сравнительный анализ социальной защиты инвалидов Нидерландии и Индии.....	135
Рузметова М. Халқ таълими тизимини модернизациялаш асосида ривожлантириш.....	138
Рузметова Н. Воздействующие признаки языка на эффективность профессиональной подготовки студентов юридического техникума.....	141
Рустамов Ш. Интеллект таълим тизимларини лойиҳалаш ва фойдаланиш методикаси.....	144
Саидов А. Куролли кучларда раҳбар ходимларнинг бошқарув компетентлиги ижтимоий-психологик феномен сифатида.....	147



УДК: 94 (575.1)

Рузikuл ТОЛИБОВ,

Навоий давлат педагогика институти доценти

Одилжон БАХРИДДИНОВ,

Навоий давлат педагогика институти магистранти

E-mail: tolibov_r58@mail.ru

т.ф.н., катта илмий ходим Д.Н. Аберкулов тақризи асосида

DEVELOPMENT AND PROSPECTS OF TOURIST RELATIONS OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF NAVOI REGION)

Abstract

Although tourism has its historical roots in Uzbekistan, it has now become an important sector of economic development. The article highlights the work done to develop tourism in Uzbekistan, especially in the case of the Navoi region, which has historical and cultural monuments, to expand domestic tourism, as well as existing problems and shortcomings. Suggestions and comments were made on the further development of the industry.

Key words: tourism, pilgrimage tourism, domestic tourism, Navoi region, tourist sites.

РАЗВИТИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ТУРИСТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ)

Аннотация

Хотя туризм имеет свои исторические корни в Узбекистане, в настоящее время он стал важным сектором экономического развития. В статье освещается проделанная работа по развитию туризма в Узбекистане, особенно в случае Навойской области, имеющей исторические и культурные памятники, по расширению внутреннего туризма, а также существующие проблемы и недостатки. Были высказаны предложения и замечания по дальнейшему развитию отрасли.

Ключевые слова: туризм, паломнический туризм, внутренний туризм, Навойская область, туристические объекты.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ РАВНАҚИ ВА ИСТИҚБОЛИ (НАВОЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Ўзбекистонда туризм ўзининг тарихий илдизларга эга бўлсада, ҳозирги даврда иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим тармоғига айланди. Мақолада Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, айниқса тарихий ва маданий объектларга эга Навой вилояти мисолида ички туризм йўналишларни кенгайтириш бўйича амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммо ва камчиликлар кўрсатилган. Шунингдек, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган тақлиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: туризм, зиёрат туризми, ички туризм, Навой вилояти, сайёҳлик объектлари.

Кириш. Ўзбекистонда туризм йўналишини такомиллаштириш, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мамлакатда туризм ривожига учун қай даража хизмат қилганлиги, шунингдек, пандемия шароитида Республикада амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси, ҳозирги кунда соҳага оид муаммо ва камчиликлар ёритилган. Хусусан, мақоланинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, мазкур соҳадаги ютуқ ва эришилган натижалар Навой вилояти мисолида таҳлил қилинган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Сўнги йилларда иқтисодийнинг сердаромад соҳаси бўлган туризм йўналишида турли фанлар ракурсда илмий тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Ш.Сайфуддинов ва М.Усмоновлар тадқиқотида Ўзбекистоннинг бой қадимий тарихи ва маданиятини тарғиб қилишда туризм йўналишларини кенгайтириш, бунда зиёрат туризми, «диний» туризмнинг ўрни ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида уни ривожлантириш имкониятлари очиб берилган [1]. Ўзбекистон туризм сиёсати ва унинг халқаро муносабатлар тизимида муҳим субъект сифатидаги жиҳатларини И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Б.Ш Сафаров, Г.Р. Турсунова кабиларнинг халқаро ҳуқуққа оид тадқиқотларида кузатиш мумкин. Шунингдек, муаммонинг ҳуқуқий жиҳатларини С.Т. Ташмуратов, М.Қ. Пардаев ва А.А. Эпштасларнинг илмий мақолаларида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда туризмнинг айрим жиҳатлари бошқа фанлар доирасида ҳам ўрганилган бўлсада, бироқ тарих фани нуқтаи назаридан мамлакатимиздаги ҳар бир вилоятнинг тарихий-маданий имкониятларидан келиб чиқиб ўрганиш ва Навой вилоятида «зиёрат туризми» йўналишини янада кенгайтириш имкониятларини очиб бериш ва мавжуд муаммо ва камчиликларни кўрсатиш мазкур мақоланинг мазмунини белгилайди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тарихийлик, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. XXI асрга келиб туризм дунёнинг барча мамлакатларида кенг тараққий этмоқда. Ҳозирги кунда дунёдаги жуда кўплаб ривожланган давлатлар ЙИМда хизматлар соҳасининг улуши анча юқори кўрсаткичга эга ва шу билан бирга туризм хизматлари орқали олинаётган даромадлар ҳам анча юқори. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг муҳим тарқибий қисмларидан бири бу туризмдир. Бугунги кунда туризм саноати дунёда энг илғор ва сердаромад соҳаларидан бирига айланмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда 200 миллионга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилади, жаҳон иқтисодийида халқаро туризмдан тушаётган даромад 1 триллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилмоқда. Дунё бўйича сайёҳлар сони эса йилига 4-5 фоиз кўпайиб, ҳар йили бошқа давлатларга саёҳат қилувчилар сони 1

миллондан ошмоқда. Лекин бугунги кунда туризм соҳасига, барча мамлакатлар иқтисодидега жуда кучли таъсир кўрсатаётган глобал муаммолардан бири коронавирус (COVID-19) пандемияси ҳисобланади. Коронавирус пандемияси сабабли биргина 2020 йилнинг январь - май оралигида жаҳон туризм индустрияси 320 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги даромадни йўқотди. Бугунжаҳон туризм ташкилотининг (UNWTO) маълумот беришича, бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган зарардан уч баравар кўпдир[2].

Бинобарин, конавироз пандемияси тарқалишига қарамасдан иқтисодидегаги тобора интеграциялашиб бораётганлиги, халқаро алоқаларнинг тизимли такомиллашуви натижасида туризм соҳасининг барқарор ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Иқтисодидегаги инновацион ривожлантириш шароитида туризм соҳасининг миллий иқтисодидегаги ўрни ва нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳукуматимиз мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб туризмни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Давлат раҳбарининг 2016 йил 2 декабридаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини янада ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ – 3217 – сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар бу борада муҳим қадам бўлди[3].

Республикада туризм салоҳиятини тубдан ошириш, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришнинг методологик услубий асосларини такомиллаштириш, туризмга иқтисодидегаги стратегик сектори мақомини бериш ҳамда туризм фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон туризм соҳасида дунё бўйича улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг қарийиб 200 таси ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга мамлакатимизнинг бетақроқ табиати, гўзал дам олиш масканлари имкониятларидан

фойдаланиш, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳада жаҳон брендларни жалб этган ҳолда, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастронамик туризм ва соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада туризм индустриясини жадал ривожлантириш учун қисқа муддатда Давлат Стандарти ишлаб чиқилди ва ҳуқуқий асосларини яратишга ҳаракат бошланди. Мамлакатимизнинг барча туристик ҳудудларида, шунингдек, сайёҳларни жалб қилиш салоҳиятига эга бўлган бошқа ҳудудларда ички туризмни ривожлантириш, инфратузилмасини яхшилаш, янги йўналишлар ташкил қилиш бўйича турли вазифалар белгилаб қўйилди.

Аввало, йўловчиларни узоқ масофасини қисқартирувчи тез ва қулай саналган ҳаво транспорти ҳисобланади. Ҳозирги кунда хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Британиянинг «Skytax» хусусий компанияси ҳар йили улар хизматидан фойдаланадиган сайёҳ, йўловчилар ўртасида сўровнома ва текшириш ўтказилади. Ушбу сўровномада 112 та мамлакатнинг 13 млн.дан ортиқ йўловчиси иштирок этади. Текширув сўровномаси 39 та бўлимдан иборат бўлиб, унда 550 дан ортиқ аэропортларнинг қулайлик, тезлик, санитария ва гигиена талаблари, ходимларнинг қайси хорижий тилларни билиши ҳисобга олинган ҳолда ўтказилди. Унда биринчи – ўрин Сингапурнинг «Чанги» халқаро аэропорти, иккинчи – ўринни Жанубий Кореянинг «Инчон» аэропорти, учинчи – ўринни эса «Мюнхен» аэропорти эгаллади[4]. Таъкидлаш лозимки, Бухоро, Самарқанд Урганч ва Навоий аэропортининг ҳам сайёҳларни ташишда алоҳида ўрни бор. 2018 йилнинг 1 январида Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортида икки йўлакчи тизим жорий этилди. Бинобарин, Ватанимизда яратилган самарали транспорт тизими дунё мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида Навоий вилоятида ҳам туризм соҳасининг равангани кузатиш мумкин. Вилоятда 2018 йилда турмаршрутлар сони 5 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йил бугунги кун ҳолатига 35 тани ташкил этмоқда (2020 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи 135% етди) ва 5 та экотуризм, 7 та зиёрат туризм ҳамда 3 та агротуризмга мослашган янги маршрутлар ишлаб чиқилди. Ички ва ташқи туризмни ташкил қилиш мақсадида 25 та туркомпаниялар фаолият юритиб келмоқда. Бинобарин, вилоятга 2018 йилда 30 та хорижий давлатлардан 12973 минг нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилган бўлса, 2019 йилда 53 та хорижий давлатлардан 1677 минг нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилди. Бу жараён (COVID -19) пандемияси билан боғлиқ. Айни пайтда пандемия шароитида қарамасдан 2021 йил давомида 9121 минг нафар хорижий сайёҳлар, ташрифи кузатилди. Маҳаллий сайёҳлар сони миқдори 2017 йилга нисбатан 2021 йилда 26145 нафарга кўпайди [5].

Маълумотлар таҳлил қилинганда, 2017-2021 йилларда Навоий вилоятининг тарихий-маданий туризм объектларига хорижлик ва маҳаллий туристлар ташрифининг динамик тарзда ўсиб бораётганлиги тўғрисида қуйида хулоса чиқариш учун асос бўлди.

Навоий вилоятига 1917-2021 йилларда ташриф буюрган сайёҳлар

Т/г	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Маҳаллий	16057	24407	28618	18849	42202
Хорижий	4377	12973	1677	1784	9121

Бугунда туризм инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ажратиб берилган маблағ ҳисобидан ички туризм ва

зиёрат туризми объектлари ҳамда ёндош инфратузилмаларни ривожлантириш манзилли дастури ишлаб

чиқилди. Жумладан, дастур доirasида Сарминский дараси, Тудакўл сув омбори, Мавлоно Ориф Дехгороний мажмуасига олиб борувчи йўл қисми тўлиқ таъмирланди. Сентоб қишлоғини туризмни объектга айлантириш мақсадида йўл инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш объектлари тўлиқ таъмирланмоқда. Бундан ташқари, «Буёқ Ипак Йўли»нинг Зарафшон – Қорақум қисмида жойлашган «Қосим – Шайх», «Мирсад Баҳром», «Работи – Малик», «Сардоба», «Мавлоно Ориф Дехгороний» маданий мерос объектларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритиш бўйича ишларни жадаллаштирмоқда.

Шунингдек, Навоий вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил давомида умумий қиймати 12 млрд. сўмлик жами 7 та лойиҳа амалга оширилди. Natijaда, 7 та янги меҳмонхона (154 та хона 235 та ўрин) инга туширилиб, жами 68 та янги иш ўринлари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-104-сонли қарорига асосан, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий омакатланиш, кўнгилсозлар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туман ва шаҳарлар рўйхатига Навоий вилоятидан Хатирчи (7 та маҳалла), Нурота (8 та маҳалла) ва Қизилтепа (5 та маҳалла) туманларидан 20 та маҳаллалар рўйхати киритилди. Унга кўра ушбу ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинладиган солиқ ставкасини—1 фоиз, ушбу ҳудудлардаги объектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинладиган ер солиғи миқдорларини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорда белгиланди.

Сўнгги йилларда Навоий вилоятида экологик туризм ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Зотан, Ўлкамиз табиатининг ўзига хослиги кўпчиликини ҳайратда қолдиради. Бу ерда бир пайтнинг ўзида чексиз саҳроларни ҳам, баланд тоғли қорлар, водий ва воҳалар, суви мўл дарёларнинг бетакрор гўзаллигини ҳам учратиш мумкин. Ҳудудда географик ва табиий шароитлар экологик туризмни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Экотуризмнинг ривожланиши юртимизда илм-фян, маърифат ва маданиятни янада тараққий эттиришда, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини асраш, био хилма хилликни сақлаш сингари муҳим йўналишларда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Янги иш ўринлари ташкил этиш, яқоли бандлиги, турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишда ҳам ҳудудларда экологик туризмни кенг йўлга қўйиш ижобий натижалар бериши табииндир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ана шундай экотуристтик салоҳиятга эга ҳудудларнинг ички имкониятлари, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шаклланиш инфратузилма ва инвестицион хусусиятлардан келиб чиқиб, экотуристтик компаниялар барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Чортоқ ва Зомин туманларида махсус дастурлар асосида туристик салоҳиятни юксалтириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда бу борада етарлича тажриба тўплаган ва бу тажрибалар оммалашмоқда. Чунончи, Навоий вилоятида учта алоҳида кўриқланадиган ҳудуд бор. Шулардан бири Нурота давлат кўриқхонасидир. Ушбу алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудларда кўнлаб ўсимлик ва ҳайвонот турлари муҳофаза остига олинган. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Нурота ва Зомин табиати унинг тоғларига бўлган қизикиш тобора ортмоқда. Нурота табиий иқлимга кўра дунёга машҳур Швейцарияга қиб

тиланиш бежиз эмас. Барча жойларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экотуризм туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганда. Демак, булардан кўриниб турибдики, биринчи экотуризмни ривожлантириш орқали Навоий вилоятидаги ўзгача қулай ҳудудлар аҳолисини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш тарзини яқинлаш ва табиатни асраш борасидаги катта кўламдаги ишларни амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон ўзининг бай ва кўп жиҳатдан ноёб, тарихий маданий мероси тўғрисида туризмнинг тарихий маданий турини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Айниқса, Навоий вилоятида туризмнинг кўнлаб тармоқларини тараққий эттириш учун ички имкониятлар нисбатда катта. Заминимизда кўнлаб зиёда ноёб тарихий ёдгорликлар ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжудлиги, сўлим кўриқхоналар, миллий ёллар бўлиши кўрсатаётганини, миллий маданий санъат ва ҳунармандчилигининг кўп асрлик анъаналари асраб-явайлаб келинаётганини бунга яқоли мисол бўла олади. Айни пайтда таъкидлаш ўринлики, республикамизда экотуризм ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний мезорлари шидатин тартибга солинимоқда. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни» кўра экотуристларга нисбатан ҳуқуқий иморат ишларини енгиллаштириш бўйича айрим қилуи ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Ёниёқарин, табиатни асраш учун мавжуд имкониятлардан, жаминда экотуризмни тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда б-илоли фойдаланиш ҳамда индий ш-дада хитоларсиз амалга ошириш лозим.

«Жаҳон туристик ташкилоти»нинг туризмни барқарор ривожлантириш қилиншига кўра, туризмнинг барқарор ривожланиш учун имкониятларни сиклаб туриш ва яқинлаб бериш даяри мубайнида ҳозирги пайтда туристлар ва уларни қабул қилушчи ҳудудлар эҳтиёжларига жавоб бериши керак. Шу нуқтаи назардан, «Ўзбек туризми» бренди асосида яратилган сувенирлар, ҳунармандчилик раста ва дўқонларини ташкил этиш, мавжудларини такомиллаштириш билан «Ўзбек бренди» асосида яратилган миллий маҳсулотлар асосида мамлакатимизни бутун дунёга таништириш кўзда тутилган. Миллий-маданий мезор объектларини режама қилишда яқлий ва ижодий ёндашнинг керак бўлади. Сайёҳатга келган турист шу мамлакатнинг миллий маданий меросларига, анъаналари ва удуларига, айниқса, хилқ ҳунармандчилигига қизикишлари табиийдир. Шу боисдан юртимизнинг турли ҳудудларида туризмни ривожлантириш учун махсус программазар ва чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Айни масалада «Сувенир шонининг» тушунчаси туризм ривожига ҳисса қўнади. Бундан кўнланган асосий мақсад «Ўзбек бренди» тасвирланган маҳсулотларни туристларга намойиш этишдир. Булар: ҳунармандчилик, чеварчилик, пазандчилик, тасвирий санъат маҳсулотларидир. Шунингдек, соҳа истиқболда яна бир муҳим жиҳат – бу тарихий туристик ҳудудларда ташкил этилган раста ва дўқонлар сафинга «иламчилик»ни кўнадаган бўлсак, янада туристларнинг қизикишига эринган бўламиз. Чунки кўл маҳорати билан ишланган ҳар бир туристик маҳсулот сайёҳларни ўзига жалб қилади.

«Сувенир шонининг» туризми барча жиҳатларни ўз ичига олган ҳолда ҳар томонлама ўйланган дастур ҳисобланиб, келган туристларга ўзбек бренди маҳсулотларини тақдим қилиш ҳамда ҳунармандчиликнинг ҳар бир йўналишини маълум бир даражада ривожлантириш, «Сувенир шонининг»да ўз маҳсулотларини таъминлаб беришдан иборат бўлади. Шу боисдан тарихий, табиий қибонларни бунёд этишда қимматбаҳо тарихий обидялар, ятланвий яндиняфт ва маданий комплексларга эътибор берган ҳолда ушбу комплексларда

сувенир ва хунармадчилик маҳсулотлари раста ва дўконларини тўғри жойлаштириш уйғунлигини таъминлаш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга йўналтирилган «Тараққиёт стратегияси»да туризм соҳасини давлат сиёсатини янги тамойиллари тадбири бугунги ютуқларимизга асос бўла олади. Бу барча ресурсларни бошқаришнинг шундай йўналишики, унинг натижасида иқтисодий-ижтимоий ва эстетик эҳтиёжлар маъданий қадриятларнинг, экологик жараёнларнинг биологик хилма-хиллигининг ҳаёт фаолиятини қўллаб - қувватлаш тизимини сақлаб қолиниши билан бирга қондирилиб боради. Умуман олганда, Ўзбекистон нафақат истикомат қиладиган макон, балки дам олишга келадиганлар учун ҳам роҳатланадиган макон сифатида жаҳон ҳамжамиятида тан олинаётган юртдир. Бу юртда туризмни жуда салмоқли даражада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда миллий – маданий қадриятларимизни устун томонларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда туризмнинг янги

истиқболлари очилиб, турли йўналишларда кенг камровли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Туризм соҳаси ривожига эътиборни кучайтириш мамлакатимизда иқтисодий барқарорликнинг таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳа нафақат иқтисодиётимизнинг юксалишини таъминлашда балки долзарб ижтимоий аҳамиятга молик масалалар жумладан, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ҳам устувор аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда альпинизм, отда туяда, велосипедда саёҳат қилиш, офф-роад сайёҳатлари балик ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда. Шу боис, Навоий вилоятида тарихий маданий туризмнинг салоҳиятини ошириш ички туризм хизматлари замонавий инфратузулмасини яратиш ва уни халқимиз моддий бойлигининг муҳим манбаларида бирига айлантиришда самарали омил бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Усмонов М. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда «диний туризм»нинг аҳамияти.
2. https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/901/650/618b66534178c
3. Сайфуддинов Ш. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари.
4. <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/1080>
5. Махмудов С.Х. Самарқанд вилояти тарихий маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2022. 5-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.
7. Туризм хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг халқаро илғор тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман. Самарқанд, 2018 йил, 15-28 май. –Б-70.
8. Навоий шаҳар Туризм бошқармаси миллий компаниясидан олинган маълумотлар асосида кўрсатилган.